

Масжидларда кунлик ва жума намозларини очиқ ҳавода ташкил қилиш тавсия этилди



21:10 / 25.06.2021 1653

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ибодат амалларини очиқ ҳавода ташкил этиш тавсия қилиниши ҳақида хабар берди. Юртимиздаги мавжуд эпидемиологик ҳолатдан келиб чиқиб, масъул идораларнинг таклифлари инobatга олинган ҳолда Республика махсус комиссияси томонидан: кунлик ва жума намозлари фақат масжиднинг очиқ ҳаводаги майдонлари (очиқ айвонлар, масжид ҳовлиси, масжидга туташ ички кўчалар)да тиббий ниқобда ва оралиқ масофани сақлаган ҳолда ташкил этилиши;

65 ёш ва ундан катта ёшдаги фуқаролар ҳамда сурункали касаллиги мавжуд шахсларга диний тадбирларни имкон қадар уй шароитида амалга ошириш;

Республикада фаолият юритаётган бошқа диний конфессияларга мансуб диний ташкилотларда ҳам жамоавий ибодатларни юқоридаги тартиблар асосида амалга ошириш тавсия этилди.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йилнинг мартада Ўзбекистонда коронавирус пандемиясининг карантин қоидалари бошланган эди.